

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУГИ

**ШНҚ 2.05.03-22 «КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА  
ҚОИДАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 8 февралда ҳисобга  
олинди, ҳисоб рақами 233]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон «Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.05.03-22 «Кўприклар ва қувурлар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ мазмундаги 5<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир Б. ЗАКИРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 23 январь,  
17-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б. ЮЛДАШЕВ**

2023 йил 15 декабрь

**Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ**

2023 йил 16 декабрь

**Транспорт вазири И. МАҲКАМОВ**

2023 йил 29 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш  
ва уй-жой коммунал хўжалиги  
вазирининг 2024 йил 23 январдаги  
17-сон буйруғига  
ИЛОВА

## «5<sup>1</sup>-боб. Кўприклар ва кувурларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича талааблар

22<sup>1</sup>. Кўприклар ШНҚ 2.01.20-16 га мувофиқ имкон қадар тектоник ёриқлар зоналаридан ташқарида, геологик тузилиши жиҳатидан барқарор грунтга эга бўлган худудларда жойлаштирилиши керак.

22<sup>2</sup>. Кўприкларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, сейсмик юкларни таянчларга ўтказишнинг оқилона схемаларини қўллаш, ҳисоб-китоблар бўйича юк кўтарувчи конструкцияларни кучайтириш ҳамда унинг тизимини тўғри танлаш мазкур ШНҚ ва ШНҚ 2.01.20-16 да белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, кўприкларни лойиҳалашда пластик деформацияларнинг ривожланишига имкон берувчи енгил ва мустаҳкам материалларни қўллаш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифатли амалга оширилиши керак.

22<sup>3</sup>. Кўприкларни лойиҳалаш ва қуришда дарё ўзанлари, терасса, қияликлардаги кўтарилилар, тўсилларга эга сейсмотектоник дислокациялар майдонларда (тектоник кесимлар ва тўсиқлар) ҳамда сейсмик хавфли худудларда антисейсмик қуриллар қўллаган ҳолда жойлаштирилиши зарур.

22<sup>4</sup>. Катта дарёлар устидан ўтувчи кўприк кечувларнинг таянчлар пойдеворини ўрнатиш имконини берадиган, мустаҳкам ва нисбатан паст сиқилувчи грунтларда ҳамда муҳандислик геологик шароитларга эга бўлган дарёли водийларнинг тўғри худудларда жойлаштирилиши керак.

22<sup>5</sup>. Тектоник ёриқ билан кесишган жойларда кўприк қурилиши режалаштирилганда, таянчларнинг пойдевори тоғ жинсларининг тектоник майдаланиш зonasи чегараси ташқарисидаги ёриқлар чеккаларига олиб чиқилиши, таянчларнинг фермаости майдончалари кенгайтирилиши, кўприкнинг ўқи бўйлаб алоҳида таянчларнинг силжиши пайтида конструкцияларнинг қулашига тўсқинлик қилувчи узликли оралиқ қурилларни занжирли боғланишларга бирлаштирилиши зарур.

22<sup>6</sup>. Сейсмик жиҳатдан барқарор бўлмаган қияликларда кўприкларни лойиҳалашда ҳисобий интенсивликдаги зилзилада грунтнинг устуворлигини таъминлайдиган чоратадбирлар мажмуасини (дренлаш, сувчиқариш, тиркама деворларни ўрнатиш ва бошқалар) кўзда тутилиши лозим.

22<sup>7</sup>. Емирилган қоятош жинсларидан ташкил топган тик ёнли водийлар орқали ўтадиган виадукларни лойиҳалашда унинг камарида сейсмик қулашларга қарши чораларни кўриш, шунингдек нураш хавфи бор тош бўлакларини олиб ташлаш ва қияликларни бетон ёки тўрли қоплама билан мустаҳкамлашни кўзда тутиш керак.

22<sup>8</sup>. Кўприкларни сел хавфи мавжуд дарё водийсидан ўтказганда уларнинг таянчлари муҳандислик-геологик тадқиқотлар асосида аниқланган охирги 100 йилдаги максимал сел оқими даражасидан юқорида жойлаштирилиши керак.

22<sup>9</sup>. Сейсмик худудларда қўйидаги турлардаги кўприклар қурилиши лозим:  
тўсинли узлукли ва узлуксиз оралиқ қуриллардан ташкил топган;  
рама (ром) тизимидаги;  
оралиқ қурилларни таянчларга шарнирли тиркалган аркали;  
осма ва вантли.

Шунингдек, ҳисобий сейсмиклиги 9 балл бўлган худудларда лойиҳаланаётган узунлиги 18 метрдан катта бўлган тўсинли узлукли оралиқ қурилларни кўприкларнинг таянчларидан оралиқ қурилларни тушиб кетишининг олдини олувчи антисейсмик қуриллар бўлиши лозим.

22<sup>10</sup>. Қоятошли заминлар мавжуд бўлган худудларда аркали қўприклардан фойдаланишга йўл қўйилади, бунда гумбаз ва аркаларнинг товонлари массив таянчларга таяниши ҳамда мумкин бўлган энг паст сатҳга жойлаштирилиши керак.

22<sup>11</sup>. Кўприк вариантларини таққослашда, ўта узун оралиқларни ёпишга хизмат қиласиган, зилзила пайтида узлукли оралиқ қурилмаларга нисбатан таянчлар устидан уларни ағанаб тушмасдан устуворлигини таъминлайдиган узлуксиз конструкциявий тизимни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

22<sup>12</sup>. Баланд эстакадаларни лойиҳалашда эгилувчан, жуфтлаштирилган, устунли темирбетон таянчлардан ва бўйламасига ҳаракатланмайдиган таянч қисмлари мавжуд таянчларга тиргакланган узлуксиз оралиқ қурилмалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

22<sup>13</sup>. Мазкур ШНК талабларига мувофиқ лойиҳаланган барча қўприк тизимларининг оралиқ қурилмаларини жойлашиш ҳолати фойдаланишда ўзгармасдан қолиши, бунда оралиқ қурилмаларнинг силжиш ва ағдарилишга қарши устуворлиги ҳамда мустаҳкамлиги таянчлар, сейсмик таянч қисмлари ва таянч билан боғланган антисейсмик қурилмалар орқали таъминланиши зарур.

22<sup>14</sup>. Монолит ядроли контур блоклардан иборат йиғма-монолит бетонли таянчларнинг лойиҳаларида пойдеворга ва фермаости плитасига боғланган ядросини ишчи арматура билан мустаҳкамлаш кўзда тутилиши, шунингдек арматура чиқишлари ёрдамида контур блокларни ядро билан бирлаштиришни ёки йиғма элементларни ишончли боғланишини белгиловчи усувлар орқали таъминлаш керак.

22<sup>15</sup>. Кўприк иншоотларининг таянчларида саёз жойлашган пойдеворнинг тагларини ёки қозиклар, устунлар ва қобиқларнинг пастки учларини асосан қоятош ёки катта донали тошсимон грунтларда, шағалли зич кумларда, қаттиқ ва ярим қаттиқ туркумли гилли грунтларда ўрнатиб лойиҳалаш лозим.

22<sup>16</sup>. Ҳисобий сейсмиклиги 9 балл бўлган худудларда, қоятошиз пойдеворлардаги қўприкларнинг кўндаланг ромли таянчлари умумий саёз жойлашган пойдеворга эга бўлиши ёки барча қозиклар (устунлар, қобиқлар) каллакларини бирлаштирувчи плитага таяниши керак.

22<sup>17</sup>. Саёз жойлашган пойдеворларнинг пастки қисми горизонтал бўлиши, поғонали пойдеворлар конструкциялари фақат қоятошли асослар учун ишлатилишига йўл қўйилади.

22<sup>18</sup>. Ўрта ва катта қўприклар учун замин устида жойлашган пойдевор плитаси (ростверк) бўлган қозик таянчларини кесимлари 400x400 mm гача ёки диаметри 600 mm гача бўлган кия қозиклар ёрдамида лойиҳалашга йўл қўйилади, бунда ўрта ва катта қўприкларнинг таянчлари, шунингдек ҳисоблаш йўли билан аниқланган ва статик, динамик синовлар натижаларига кўра, ростверк плитаси грунтга кўмилган ҳолда, квадрат ёки доира кесимли вертикал қозиклар билан лойиҳаланиши керак.

22<sup>19</sup>. Сейсмик ҳудудларда тўсинли қўприк таянчлари асосан монолит, йиғма ва йиғма-монолит темирбетон, шунингдек олдиндан зўриқтирилган конструкциялардан фойдаланиб лойиҳаланиши керак.

Бунда, темирбетон элементларида ГОСТ 5781-82 ва ГОСТ 10922-2012лар бўйича узилишдан кейин нисбий узайиши 2 фоиздан ва эгилиш бурчаклари белгилангандан кам бўлмаган пўлатли арматураларни ишлатилмаслиги зарур.

22<sup>20</sup>. Ҳисобий сейсмиклиги 7 ва 8 балли худудларда, қўшимча антисейсмик конструктив элементлари мавжуд бўлган йиғма, йиғма-монолит ва монолит бетон таянчлар ишлатилишига йўл қўйилади.

Сейсмик юкларни қабул қиласиган қўприк ва қувурларнинг арматураланмаган бетонли юқ қўтарувчи элементларини ишлатилишига йўл қўйилмайди.

22<sup>21</sup>. Ҳисобий сейсмиклиги 7, 8 ва 9 балл бўлган худудларда оралиқ қурилмалар жойлашувининг устуворлигини сейсмик кўрсаткичлар бўйича таъминлашнинг иложи бўлмаганда, қўприк конструкцияларини ҳимоя қилиш учун антисейсмик қурилмалар ёки сейсмик изоляциялаш қурилмаларини қўллаган ҳолда лойиҳаланиши керак.

22<sup>22</sup>. Антисейсмик қурилмалар оралиқ қурилмаларнинг қулашини (йикилишини) олдини олиш, асосий түсінларни кейинчалик тиравиши майдончаларига құлаб тушиши оқибатида шикастланишини олдини олиш, оралиқ қурилмаларнинг таянч усти қисмларига зарбаларини камайтириш, таянч қисмлари ва деформациян чокларни нормал ишлашини таъминлаш учун таянч ва оралиқ қурилма конструкцияларига жойлаштирилиши лозим.

22<sup>23</sup>. Сейсмик изоляциялаш қурилмалари зилзилалар пайтида иншоотга таъсир этаётган энергияни тарқатиши ва камайтириш, күприкларга сейсмик таъсирларни сезиларли даражада камайтириш учун күприкнинг оралиқ ёки чекка таянчлари юқори қисмидаги оралиқ қурилма ости майдони юзасига ўрнатилиши керак.

22<sup>24</sup>. Сейсмик таъсирга чидамли таянч қисмлар күприкнинг бўйлама ва қўндаланг ўқи бўйича таъсир қилувчи ҳисобий юкларни оралиқ қурилмалардан таянчларга ўтказилиши, шунингдек оралиқ қурилмаларни таянч тутунларидан тушиб кетишини ҳимоялаши зарур.

22<sup>25</sup>. Сейсмик таъсирга чидамли таянч қисмлар деформациян чоклар билан ажратилган күприкнинг қўшни участкаларини мустақил тебранишларига, шунингдек күприк таянчлари каллакларининг тебраниш амплитудаларидаги фарқи туфайли оралиқ қурилмаларни деформацияланиши ва буралишига тўсқинлик қилмасликлари зарур.

22<sup>26</sup>. Деформациян чокларнинг кенглигини аниқлашда ушбу чок билан ажратилган оралиқ қурилмаларнинг чеккаларидаги нисбий силжишларни зилзила пайтида ҳисобга олиш керак.

22<sup>27</sup>. Ҳисобий сейсмикликлиги 9 балли ҳудудларда иложи борича темирбетон пойдеворли ва ёпиқ контурли жамланмалардан ташкил топган қувурлар кўлланилиши, бунда жамланмалар узунлиги 2 м дан кам бўлмаган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

22<sup>28</sup>. Ҳисобий сейсмикликлиги 9 балли ҳудудларда, ясси ёпмали индивидуал темирбетон тўртбурчакли қувурлардан фойдаланилганда қуидаги шартлар бажарилиши керак:

қувурларнинг тик деворчалари пойдевор билан бикр ҳолда бирлашган ва конструкция эса арматуралangan бўлиши;

ўрнатилаётган ораёпма плиталари темирбетон тиргакли таянч деворчаларда қотирилиши;

якка пойдеворлар ораларида тиргаклар ўрнатилиши.

22<sup>29</sup>. Кичкина кўприкни қувур билан алмаштиришда сув ўтказгич томонидан ҳисобий сув оқимини камайтиришга йўл қўйилмайди.

22<sup>30</sup>. Сейсмик ҳудудларда кичик кўприклар ва кўтармалар остидаги қувурларни лойиҳалаш улар орқали ўтадиган сув оқимининг ҳисобий сарфини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

22<sup>31</sup>. Кўприклар ва қувурларни зилзилабардошликка ҳисоблаш ҳамда сейсмик ҳудудларда лойиҳалаш ШНҚ 2.01.20-16 да келтирилган талабларга мувофиқ бажарилиши керак.».